

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХАЙИТОВ ЖАВОХИР БАХОДИРОВИЧ**

**ТУРЛИ СПОРТ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЁШ  
СПОРТЧИЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШ СТАТУСИНИ  
ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ (ШАХМАТ, ШАШКА)**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хайитов Жавохир Баходирович**

Турли спорт турлари билан шуғулланувчи ёш  
спортчиларнинг овқатланиш статусини  
гигиеник баҳолаш (шахмат, шашка)..... 3

**Хайитов Жавохир Баходирович**

Гигиеническая оценка статуса питания юных  
спортсменов, занимающихся различными  
видами спорта (шахматы, шашки)..... 23

**Khaitov Zhavokhir Bakhodirovich**

Hygienic assessment of the nutritional status of young people  
athletes involved in various  
sports (chess, checker)..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХАЙИТОВ ЖАВОХИР БАХОДИРОВИЧ**

**ТУРЛИ СПОРТ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЁШ  
СПОРТЧИЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШ СТАТУСИНИ  
ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ (ШАХМАТ, ШАШКА)**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib886 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шайхова Гули Исламовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Камилова Роза Толановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Искандарова Шахноза Тўлқиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«Гигиена ва жамоат саломатлиги шимолий-ғарбий илмий маркази» Федерал фан бюджет ташкилоти (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta.2005@mail.ru](mailto:tta.2005@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.И. Саломова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Н.Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ф.И. Саломова**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгашнинг Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Дунё тажрибасида тиббий-ижтимоий энг муҳим вазифалардан бири болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳисобланади. Болалик даврида мунтазам машғулотлар қилиш «...организмнинг функционал ва мослашувчанлик имкониятларини орттиради, саломатликни мустаҳкамлашга, жисмоний ва ақлий меҳнатга лаёқатлилиқ ортишига ёрдам беради...»<sup>1</sup>. Соғлом бола–ҳар қандай мамлакатнинг яқин ва узоқ келажагининг бош муаммоси «...чунки барча имкониятлар (ҳам иқтисодий, ҳам ижодий), барча ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш истиқболи, ҳаётнинг юксак даражаси, фан ва маданият–буларнинг ҳаммаси болаларнинг саломатлик даражаси, уларнинг жисмоний ва ақлий меҳнатга лаёқатлилиги самараси ҳисобланади...»<sup>2</sup>. Спортнинг турли кўринишлари билан шуғулланадиган болалар ва ўсмирларнинг овқатланишига оид муаммоларни кенг кўламда кўриб чиқиш зарур, бу нафақат овқатланишнинг жисмоний меҳнатга лаёқатлилиқка таъсири, балки, энг аввало, жисмоний фаоллик ва жисмоний ўсиш билан ўзаро боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда турли спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг рационал овқатланишини ўрганишга йўналтирилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар: шу жумладан: шахмат ва шашка билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг саломатлиги ва фактик овқатланишини комплекс равишда баҳолаш, соғломлаштириш тадбирларини такомиллаштириш, жисмоний ва юқумли касалликларни олдини олиш, ёш спортчилар учун махсус маҳсулотлар ишлаб чиқиш, янги маҳсулотнинг тиббий биологик хавфсизлигини токсик баҳолаш олиб борилмоқда. Шахмат ва шашка билан шуғулланадиган спортчилар учун соғломлаштириш тадбирларини такомиллаштириш, шу билан бирга янги маҳсулотларни киритган ҳолда янги таомнома тақсимотини ишлаб чиқиш ва овқатланишни мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда, республикада жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шароитлар яратиш ва мамлакатнинг жаҳон спорт саҳнасида муносиб чиқишларини таъминлаш бўйича изчил чоралар амалга оширилаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонуни (2015), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни келажакда такомиллаштириш

<sup>1</sup>Кучма А.А. Питание спортсменов // Гигиена питания, М. – 2010. – С.78-90.

<sup>2</sup> Гольберг Н.Д., Дондуковская Р.Р. Питание юных спортсменов. // - М., изд. Советский спорт. – 2012. – 236с

ва оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонлари ҳамда 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 августдаги ПҚ-3906-сонли «Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид» Қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммоларни ўрганиш даражаси.** XXI асрга хос овқатланиш формуласи – бу рационда анъанавий табиий озикавий маҳсулотлар билан бир қаторда маълум бир хусусиятли маҳсулотлар (функционал озикавий маҳсулотлар) ва биологик актив қўшимчалардан мунтазам фойдаланиш (Тутельян В.А., 2010; Литвин Ф.Б. ва бошқ., 2018; Шайхова Г.И., 2019). Муаммоларни ўрганиш даражаси таҳлилига кўра, балансланган овқатланиш формуласи катта ёшли одамнинг ўртача жисмоний юкламаларда асосий озикавий моддаларга эҳтиёжига оид тасаввурларни беради (Борисевич Я.Н., 2011). Баскетбол, шосседа велопоёга, чанғи поёгаси билан шуғуллануви ёш спортчиларнинг овқатланиш статусининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлди (Дондуковская Р.Р., 2005); С.Г.Макаров ва бошқаларнинг даврий спорт (2015), спортнинг ўйин кўринишидаги спортчиларнинг аниқ овқатланиши футболчилар мисолида ўрганилди, маълум бўлишича, ёш атлетларнинг овқатланишидаги кимёвий таркиб бўйича илмий асосланган тавсиялар ва талабларга мос келмайди. (Борисевич Я.Н., 2013, Григоренко С.П. ва бошқ., 2015, Гринченко В.С. 2015, Чехов В.А. ва бошқ., 2009). Шу билан бирга, спортчиларнинг машғулотлар ва мусобақалар даврида овқатланишлари рационал овқатланишнинг оддий талабларига ҳам жавоб бермаслигини кўрсатуви етарлича маълумотлар мавжуд (Тутельян В.А., 2010); Пшендин А.И., 2003). Овқатланишдаги хатоликлар спортчиларнинг жисмоний ҳолати ёмонлашишига, физиологик эҳтиёжлари камайишига, мослашув захиралари ва носпецифик резистентлик пасайишига олиб келади (RuisF. et.al., 2005; RussellM., 2011; Гринченко В.С., ва бошқ., 2016). Шахматчи-талабаларнинг овқатланиш ҳолати баҳоланганда, шахматчилар учун махсулаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқиш зарурати хусусида маълумотлар олинди. Илгари бундай тадқиқот олиб борилмаган. Спортнинг турли кўринишлари (шахмат, шашка) билан шуғулланадиган болалар ва ўсмирлар учун маҳсулотлар тўпламининг соғлом овқатланиш ва ўртача кунлик меъёрий рацион ишлаб чиқилмаган (Саидалиев С.С., 2016; Макарова Г.А. ва бошқ., 2015; Baker L.V., 2014). Бироқ, барча мураббийлар ва спортчилар ҳам овқатланишга оид фан асослари билан таниш эмаслар, етарли билимга эга эмаслик спортчиларнинг ўз овқатланиш тартибларини нотўғри белгилашларига сабаб

бўлмокда (Гольдберг Н.Д. ва бошқ.,2010). Амалиётда эътироф этилишча, бугунги кунда шахмат билан шуғулланадиган спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини ўрганиш бир қатор тадқиқотлар ўтказишни талаб этмокда (Тутельян В.А ,2010, Шайхова Г.И.,2018; Гринченко В.С., 2016; BurkeL. 2006; KodentsovaV.M.,2013). Ўзбекистонда спортнинг турли кўриниши билан шуғулланадиган болалар учун бир суткалик қувватга эҳтиёж ҳажми, асосий озикавий моддалар ва маҳсулотларнинг ўртача кунлик тўплами ишлаб чиқилган (Камилова Р.Т., 2018; Ибрагимова Л.А., Хусанова Н.Ф., 2019 ва бошқ., 2016.). Ўзбекистон Республикасида спорт мактаби иштирокчиларининг овқатланишини ташкил этишга гигиеник талаблар ишлаб чиқилган (ЎзР СанМваҚ, №0333-16). Бу муаммонинг алоҳида жиҳатларига бағишланган илмий тадқиқотлар мавжуд (Шайхова Г.И., 2017, Азизова Ф.Л., 2017, Рахимов Б.Б., 2016, Эрматов Н.Ж., 2016, Алимухамедов Д.Ш., 2018, Хусанова Н.Ф., 2019). Ўзбекистон Республикасида айнан шахмат ва шашка билан шуғулланадиган ёш спортчиларнинг фактик овқатланиши, касалланиши, янги озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2018–2022) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** турли спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг овқатланиш статусини гигиеник баҳолаш ( шахмат, шашка), таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мунтазам равишда шахмат ва шашка билан шуғулланадиган ёш спортчиларнинг касалланиш даражаси ва тизимини ўрганиш, соғломлаштириш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

мунтазам равишда шахмат ва шашка билан шуғулланадиган ёш спортчиларнинг фактик овқатланишини гигиеник баҳолаш, фактик овқатланишни ташкил этишни оптималлаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

озик-овқат маҳсулоти «Mungoltin» биотабиий мош нишчаларининг озикавий ва биологик қийматини баҳолаш;

шахмат ва шашка билан шуғулланадиган ёш спортчилар учун ўзбек миллий таомлари ва «Mungoltin» биотабиий мош нишчалари асосида янги таомнома тақсимотини (7 кунлик) ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2015-2017 йилларда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 7 ёшдан 16 ёшгача шахмат ва шашка билан шуғулланувчи болалар (713 нафар болалар ва ўсмирлар: 424 нафар ўғил болалар, 289 нафар қиз болалар), «Mungoltin» биотабиий мош нишчалари,

янги таомнома тақсимоти мажмуи; тажриба ҳайвонлар (зотсиз оқ калмушлар—эркак, куёнлар ва денгиз чўчкалари) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** мунтазам равишда шахмат ва шашка билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларнинг касалланиш даражаси ва тизимини баҳолаш; фактик овқатланишни ташкил қилиш ва сифатини гигиеник баҳолаш; озиқ-овқат маҳсулоти «Mungoltin» биотабиий мош нишчаларининг озиқавий ва биологик қиймати, токсикологик кўрсаткичлари; шахмат ва шашка билан шуғулланадиган ёш спортчилар учун ўзбек миллий ошхонаси асосида янги таомнома тақсимоти материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқотда сўровнома, органолептик, физик-кимёвий, биокимёвий, токсикологик, аналитик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шахмат ва шашка билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг кўрсаткичлар бўйича овқатланиш ҳолатининг ўзига хос томонлари илк марта аниқланди: касалликнинг асосий синфи ва нозологик шакли, овқатланиш тизими ва озиқавий моддалар ва қувват билан таъминланганликка ажратиш билан болалар саломатлиги ҳолати баҳоланди, гигиеник тавсиялар ишлаб чиқилган;

биринчи марта шахмат ва шашка билан шуғулланувчи ёш спортчилар учун янги озиқ-овқат маҳсулоти «Mungoltin» биотабиий мош нишчаларининг Техник шартлари ва Технологик йўриқномаси ишлаб чиқилди, органолептик, физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари аниқланган;

озиқ-овқат маҳсулоти «Mungoltin» биотабиий мош нишчаларининг тиббий-биологик хавфсизлиги токсикологик жиҳатдан баҳоланган;

шахмат ва шашка билан шуғулланадиган ёш спортчилар учун ўзбек миллий таомлари ва озиқ-овқат маҳсулоти «Mungoltin» биотабиий мош нишчалари асосида (7 кунлик) таомнома тақсимоти илк марта ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

келажакда соғломлаштириш ва профилактика ишларини олиб бориш учун ёш спортчиларда кучаймаган функционал ва сурункали касалликларни аниқлаш имконини берувчи услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

шахмат ва шашка билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг аниқ овқатланишларини гигиеник жиҳатдан баҳолаш асосида рационал соғлом овқатланишни ташкил қилишга йўналтирилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

биринчи марта озиқ-овқат маҳсулоти – «Mungoltin» биотабиий мош нишчалари ишлаб чиқилди ва у овқат ҳазм қилиш тизимини соғломлаштиришга, шлаклар ва зарарли моддаларни организмдан чиқаришга, иммунитетни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи органик, табиий, қувватлантирувчи ва оқсилга бой ичимлик сифатида баҳоланган;

биринчи марта ёш спортчилар учун озиқ-овқат маҳсулоти «Mungoltin» биотабиий мош нишчалари ва миллий таомлар киритилган етти кунлик таомнома тақсимоти ишлаб чиқилган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тажриба ҳайвонлари етарли миқдорда танланганлиги, ўқувчилар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, органолептик, физик-кимёвий, биокимёвий, токсикологик, аналитик ва статистик усуллар асосида турли спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг овқатланиш статусини гигиеник баҳолашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёш спортчиларни тиббий кўриқдан ўтказилгандан сўнг уларда функционал ва сурункали касалликлар борлиги маълум бўлди. Соғлом овқатланишни оптималлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга фактик овқатланишнинг муҳим томонлари аниқланди. Органолептик, физик-кимёвий, биологик ва токсикологик тадқиқотлар натижасида озиқ-овқат маҳсулоти «Mungoltin» биотабиий мош нишчаларининг тиббий-биологик хавфсизлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Mungoltin» биотабиий мош нишчаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ёш спортчиларга озиқ-овқат маҳсулоти «Mungoltin» биотабиий мош нишчалари ҳамда миллий таомлар киритилган 7 кунлик таомнома тақсимотидан иборат. Ёш спортчилар учун янги таомнома тақсимотидан фойдаланиш саломатликлари ҳолатига яхши таъсир кўрсатади, ақлий ва жисмоний ҳолатларини яхшилади, организм эҳтиёжларини нафақат қувват ва асосий озиқавий моддалар (оқсиллар, углеводлар, ёғлар, озиқавий толалар), балки витаминлар, минерал моддалар, микроэлементлар ва бошқа биологик фаол компонентлар билан ҳам таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг овқатланиш статусини гигиеник баҳолаш (шахмат, шашка) бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

«Шахмат ва шашка спорт тури билан шуғулланувчи болаларда учрайдиган касалликлар ва уларни текшириш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2020 йил 09 сентябрги № 8н-д/124-сон хулосаси). Мазкур тавсиянома саломатлик даражасини ошириш, жисмоний ва ақлий меҳнатга лаёқатлилиқ ва соғломлаштириш тадбирларини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, ёш спортчиларнинг саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган;

«Шахмат ва шашка билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг овқатланиши бўйича услубий тавсияномалар» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2020 йил 09 сентябрги № 8н-д/124-сон хулосаси). Мазкур тавсиянома шахмат ва шашка билан шуғулланадиган ёш спортчиларнинг рационал овқатланиш асосида гармоник

ривожланишлари, рацион таркибининг мувофиқлашиши, овқатланишларини оптималлаштириш имконини берган;

Янги озиқ-овқат маҳсулоти «Mungoltin» биотабиий мош нишчаларини ишлаб чиқариш бўйича Техник шартлар ва Технологик йўриқномалар (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги тасдиқлаган Tsh-6425280147-01:2015) тасдиқланди. Мазкур Технологик йўриқномани ишлаб чиқиш органик, табиий, қувватлантирувчи ва оқсилли ичимлик гармоник ривожланиш, овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятини яхшилаш, саломатликни ва иммунитетни мустаҳкамлашга ёрдам берган.

Турли спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг овқатланиш статусини гигиеник баҳолаш (шахмат, шашка) бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизими, жумладан , санитария-эпидемиологик осоишталик агентлигида ва Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази амалиётини жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2020 йил 30 октябрга № 8н-з/135-сон хулосаси) амалиётини жорий қилинган. Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши спортнинг шахмат ва шашка турлари билан шуғулланадиган ёш спортчиларнинг сифатли овқатланишини ташкил этиш, саломат ҳолатини мустаҳкамлаш, ақлий ва жисмоний ривожланиш ҳолатларини яхшилаш учун тизимли профилактика ва соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланади, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тақдим этилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ифодаланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ва нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги вақтда ёш спортчининг овқатланиш муаммолари ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммоларга тегишли илмий нашрлар таҳлили келтирилган. Хусусан, турли спорт кўринишларида овқатланиш, шахмат ва шашка билан шуғулланувчи спортчиларнинг рационал овқатланишини ташкил қилиш, асосий озиқ-овқат моддалар: оқсиллар, ёғлар, углеводлар, шунингдек, витаминлар, минерал моддалар, овқатга қўшимча янги озиқ-овқат маҳсулотлари ва биологик актив қўшимчаларнинг аҳамияти берилган.

Диссертациянинг «**Ёш спортчининг овқатланиш ҳолатини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифи, шунингдек, тадқиқотда қўлланилган усулларга таъриф берилган.

Тадқиқотнинг асосий объекти 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 713 нафар болалар ва ўсмирлар (424 нафар ўғил бола, 289 нафар қиз бола) бўлдилар. Спортнинг кенг тарқалган ўзига хос тури (шахмат, шашка) учун ёш кўрсаткичлари бўйича энг мақбул ёш оралиғи танлаб олинди: 7–10 ёш; 11–14 ёш ва 15–16 ёш. Бундан ташқари, «Mungoltin» биотабиий мош нишчалари, гуруч ёрмаси тадқиқотнинг объекти бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот усули ҳал қилинадиган масалаларга боғлиқ ҳолда аниқланди: аналитик, сўровнома, органолептик, физик-кимёвий, биологик, токсикологик, ҳисоблаш ва статистика усуллари.

Тадқиқот Тошкент Тиббиёт академиясининг (ТТА) болалар ва ўсмирлар гигиенаси ва овқатланиш гигиенаси кафедрасида, ТТАнинг олий таълим муассасалариаро илмий тадқиқот лабораториясида (ОТМИТЛ); академик С.А.Юнусов номидаги Ўзбекистон Республикаси ўсимлик моддалари кимёси институтининг (ЎЗР ФА ЎМКИ) тадқиқ қилиш марказида олиб борилди.

Тадқиқ қилинаётган «Mungoltin» биотабиий мош нишчалари ва гуруч унининг физик тавсифида куйидаги кўрсаткичлар ўрганилди: намлик, кислоталилик, оқсил моддаси (15113.4-91, 15113.5-91, 20223.9-91).

Тажрибадаги намуналарнинг кимёвий тавсифида куйидаги кўрсаткичлар аниқланди: оқсил – Къельдал усули (ДавСТ 0846-91); умумий липидлар – Рушковский усули (ДавСТ 0846-91) Соксет аппаратида; кул – муфел печида ёқилгандан сўнг (А.П.Ермаков, 1972).

Шахмат ва шашка билан шуғулланувчи кўриқдан ўтказиладиган болалар ва ўсмирлар карта-анкеталари, боланинг тиббий картаси (№026/х шакли) ва ривожланиш тарихи (№112/х шакли)лари тадқиқотнинг предмети ҳисобланди.

Шахмат ва шашка билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирлар касалликларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун тиббий карталари (№026/х шакли) ва боланинг ривожланиш тарихи (№112/х шакли)дан нусхалар олинди. 2015-2017 йиллар давомида рўйхатга олинган касалликларининг ўртача 3 йилдаги экстенсив кўрсаткичлари ҳисобга олинди. Касалликларнинг таҳлилий структураси ХКТ-10 га мувофиқ олиб борилди.

Тадқиқотлар болалар ва ўсмирлар шахмат ва шашка бўйича тўғарақларда шуғулладиган Республика маҳсус шахмат мактаби ва

Тошкент шаҳар Юнусобод, Шайхонтоҳур, Учтепа ва Олмазор туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Чирчиқ, Паркент, Ангрен шаҳарлари, шунингдек, Зангиота туманидаги 9 йиллик умумий таълим муассасаларида олиб борилди.

Сўров ўтказиш даврида фактик овқатланишни (сўровнома) ўрганиш учун Тошкент Тиббиёт академияси (ТТА)нинг «Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси» кафедраси ходимлари томонидан ишлаб чиқилган карта-анкетадан фойдаланилди. Шахмат ва шашка билан шуғулланадиган болалар ва ўсмирларнинг овқатланишига оид аниқ маълумотларни карта-анкета ёрдамида ўрганилди. 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган ҳар бир иштирокчининг 7 кунлик овқатланиши олти ой давомида тадқиқ қилинди. Экспедиция талабига кўра, йилда 2 марта (қишки-баҳорги ва ёзги кузги) 7 кун давомида карта-анкетада спортчи болалар истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари қайд этиб борилди, сўнгра ўртача кунлик кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилди. Маҳсулотнинг тури ва истеъмол қилинган порция миқдорини аниқлаш мақсадида тахминан ўлчанган ва озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолига тайёр, махсус ўлчовли маълум ўлчамдаги ошхона идишлари (ликоб, пиёла, стакан, қошиқ ва б.), сотувда мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларининг ўрами ва этикеткасида номи, вазни ва ёғлилиги ёзилган озиқавий моделлардан фойдаланилди. Шунингдек, болалар ва ўсмирларнинг уйда дастлабки овқатланиши ҳамда спорт мусобақалари ва машғулотлари даврида қўшимча қандай маҳсулотлардан фойдаланишларига оид маълумотлар ўрганилди. Кундузги рационда асосий озиқавий моддалар ва рационнинг энергетик қуввати, миқдори озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби жадвали бўйича ҳисобланди. Олинган натижалар болалар ва ўсмирлар муассасаларида ташкил этилган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг ўртача кунлик рационал меъёрлари (СанҚваМ 0250-08) бўйича таққосланди. Юз бериши мумкин бўлган токсик хусусиятларни экспериментал тадқиқ қилиш қуйидаги босқичларда шаклланган: янги озиқ-овқат маҳсулоти «Mungoltin» биотабиий мош нишчалари умумий токсик ҳаракатининг эҳтимолий шиллиқ қаватни безовта қилиши, шунингдек, унинг эҳтимолий кумулятив, аллергик фаоллик ва марказий асаб тизимга (МАТ) таъсирини ўрганиш. Биотабиий мош нишчалари намуналаридан ҳайвонларда тажриба ўтказиш учун сувли эритма (50%ли) 0,3–5 мл ҳажмда тайёрланди. Ҳайвонлар мг/кг тана массасига кузатув соатлари (16–20 соат) давомида бир хил дозада қабул қилдилар. Ҳайвонларни озиқлантириш доза қабул қилинган, 3 соатдан сўнг амалга оширилди. Махсус лаборатория ҳайвонлари учун оксил, ёғ ва углеводлар таркиби бўйича рацион мувозанатлаштирилди.

«Mungoltin» биотабиий мош нишчалари ва гуруч унининг МАТга таъсири «кесишган квадратчалар сони» тести, турли рефлекслар синови ва ҳаракат фаоллиги бўйича баҳоланди.


«Mungoltin» нинг ошқозон ичида ажралиб чиқиши билан ўртача ўлимга олиб келадиган дозаларни тайинлаш бўйича ўткир тажрибалар 24 та жинсий етук оқ эркак каламушларда ўтказилди. Ҳайвонлар 4 та гуруҳга ажратилди. 1-гуруҳдаги ҳайвонларга 5000 мг/кг, 2-гуруҳдаги оқ каламушларга 7500

мг/кг, 3-гурӯҳ ҳайвонларга 10000 мг/кг дозалар таъсир қилган. 4-гурӯҳдаги ҳайвонларга эквивалент миқдорда дистилланган сув юборилган. Қаламушларни дозалар берилгач, 3 соатдан сўнг овқатлантирилган. Лаборатория ҳайвонлари учун махсус диеталар рациони оқсил, ёғлар ва углеводлар бўйича мувозанатлаштирилган. Тажриба шартига кўра, препаратларнинг ҳар бир шакли бир марта 5000, 7500, 10000 мг/кг дозаларда ошқозонга тушаётганда ўрганилаётган 24 та оқ зотсиз қалашушларда биотабиий нишчаларнинг ўткир токсиклиги аниқланган. Мош нишчаларини кўпроқ миқдорларда бериш техник жиҳатдан имконсиз, чунки қаламушнинг ошқозонига препаратни киритиш ҳажми жисмонан чекланган. Тажрибадаги ҳайвонларга максимал синов миқдорида тавсия этилган технологик миқдордан 13 марта ортган, назоратдаги ҳайвонлар дистилланган сувни эквивалент миқдорда олган. Тадқиқот якунида тирик қолган барча ҳайвонлар декапитация йўли билан ўлдирилди ва патоморфологик тадқиқотлардан сўнг йўқотилди. Биронта аъзо ёки тола бошқа мақсадларда фойдаланилмади.

Тадқиқотда олинган барча маълумотлар Microsoft Office Excel – 2003 дастурий таъминот пакетидан фойдаланган ҳолда Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишлов бериш функциясидан фойдаланиб, амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Шахмат ва шашка билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларнинг умумий касалланишларининг тарқалиши ва тузилиши**» деб номланган учинчи бобида 2015–2017 йиллар мобайнида рўйхатга олинган касалликлар бирламчи соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳисобот материаллари таҳлили натижаларига кўра кейинги 3 йил давомида ўртача кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишда эътиборга олинди. Тадқиқотнинг асосий объекти 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган 980 нафар болалар ва ўсмирлар (572 нафар ўғил бола, 408 нафар қиз бола) бўлдилар. Спортнинг кенг тарқалган ўзига хос тури (шахмат, шашка) учун ёш кўрсаткичлари бўйича энг мақбул ёш оралиғи танлаб олинди: 7–9 ёш; 10–12 ёш 13-15 ва 16-18 ёш.

Болалар касалланишининг умумий даражаси мазкур ёш гуруҳидаги 1000 нафар болага нисбатан 7-9 ёшда 589,8; 10-12 ёшда 564,3; 13-15 ёшда 406,1; 16-18 ёшда 377,5 ни ташкил этди. Болаларнинг ёши катталашган сари касалланиш кўрсаткичлари камайиши қайд этилди (1 – расмга қаранг).



**1-расм. Ёш кўрсаткичлари бўйича умумий касалланишларнинг кенг тарқалиши (1000 нафар болалар ва ўсмирларда)**

Шахмат ва шашка тўғарагига қатновчи болалар касалланишлари структурасида нафас олиш тизими касалликлари етакчилик қилмоқда (19,8%), иккинчи ўринни овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари эгаллаб, 18,8%ни ташкил қилган бўлса, учинчи ўринда қон, қон яратиш тизими касалликлари (17,3%), кейинги ўринларда юқумли касалликлар (13,4%), кўз ва унинг ёрдамчи аъзолари касалликлари (8,8%), қулоқ ва сўрғичсимон ўсимта касалликлари (7,5%), тери ва тери ости қавати касалликлари (4,7%) кайд қилинган.


Диссертациянинг «**Шахмат ва шашка билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларнинг овқатланишини гигиеник баҳолаш**» номли тўртинчи бобида спортчи болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлигига доир таҳлилий маълумотлар келтирилган. Шахмат ва шашка билан шуғулланадиган болалар ва ўсмирларни анкеталаштириш вақтида 79% сўралганларда овқатланиш тартиби бузилиши кузатилган. Мактабларда ошхоналар ишламайди, кўпинча, буфетлар шаклланган, у ерда асосан углевод таркибли маҳсулотлар (печенье, вафли, шоколад, фанга, газли шарбатлар ва б.) сотилади. Оғзаки ўтказилган сўровдан маълум бўлишича 55% 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар бир кунда 2-3 марта, 11 ёшдан 13 ёшгача ва 14 ёшдан 16 ёшгача бир кунда 3–4 марта; 6% болалар бир кунда 5 марта овқатланадилар. 95% болалар ва ўсмирлар нонушта қиладилар, тушликда асосан буфетдан бутерброд, булочка, пирожки оладилар; юқори синф ўқувчилари фаст-фуд ва ширин қора чой истеъмол қиладилар; кечкурун барча болалар уйда овқатланадилар. Ўрганишлардан маълум бўлишича, 11% болалар бир кунда бир марта, 70% болалар бир кунда 2 марта ва 17% иштирокчилар бир кунда 3 марта иссиқ таом истеъмол қиладилар. Таом истеъмоли даражасини солиштирма баҳолашда қизлар ва ўғил болалар ўртасида фарқ кузатилмаган. Ўрганилаётган болаларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги таҳлил қилинганда, 7–10, 11–13 ва 14–16 ёшдаги спортчи ўқувчиларнинг асосий овқатланиши

мувофиқлаштирилмагани ва янги озиқ-овқат маҳсулотларининг нораціоналлиги сабабли айрим озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги кузатилган. Анкета сўровномаларига кўра, рационда асосан, нон-булочка, унли-ёрмали ва кондитер маҳсулотлари ўрин олган. Кундалик рационда янги сабзавот ва мевалар бўйича оқатланиш меъёрлари бжарилмаганда озиқавий толалар 90%ни ташкил этган. Нон-булочка маҳсулотлари истеъмоли ўрганилганда, болалар ва ўсмирлар 7 дан 10 ёшгача қишки-баҳорги даврда 40%, ёзги-баҳорги даврда 29% меъёрдан ортиқ истеъмол қилишлари маълум бўлди. Шунга ўхшаш ўсиш суръатлари 11–14 ва 15–16 ёш (42,5 ва 28,3%) даги болаларда ҳам олинди. 15–16 ёшли ўғил бола ўсмирларда турли фаст-фудлар (гамбургер, хот-дог, картошка фри ва б.) кенг истеъмол қилиниши қайд этилган. Шу ёшдаги қизлар ҳаддан зиёд кўп кондитер маҳсулотлари ва музқаймоқ истеъмол қилишлари маълум бўлди.


Шахмат билан шуғулланадиган болалар ва ўсмирлар рационда гўшт ва гўшт маҳсулотлари етарли даражада истеъмол қилинмаслиги қайд этилди. 7–10 ёшли болалар рационда гўшт ва гўшт маҳсулотлари танқислиги қишки-баҳорги даврда 22,4%, ёзги-баҳорги даврда 28,8%; 11–14 ёшда 16% ва 13%; 15–16 ёшда 22,4 ва 28,8% ни ташкил қилган. Сут маҳсулотларидан сут, қаймоқ, сметана, пишлоқ, творог ва бошқа сутли маҳсулотлар: 7–10 ёшли болаларда қишки-баҳорги даврда бу маҳсулотлар танқислиги 28,5%; ёзги-кузги даврда 33,3%; 11–14 ёшларда 21,6 ва 36,0% ва 15–16 ёшларда 30,9 ва 40,4% ни ташкил этган.

Олинган маълумотларга кўра, болалар сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, меваларни жуда кам истеъмол қилишлари маълум бўлди. Бу маҳсулотларнинг танқислиги 7–10 ёшларда қишки-баҳорги даврда 56,0%, ёзги-кузги даврда 35,0%, бошқа ёш гуруҳларида бу кўрсаткичлар нисбатан 44,0% ва 28,0% ни ташкил этган.

Шу тариқа шахмат билан шуғулланувчи спортчи болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлигини ўрганишда қуйидагилар маълум бўлди: рационда нон-булочка ва кондитер маҳсулотлари ҳамда шакар юқори миқдорда эканлиги; рационда гўшт ва гўштли маҳсулотлар таркиби етишмаслиги қайд этилди. Балиқ маҳсулотлари кам, парранда гўшти бир ойда бир ёки икки марта истеъмол қилинади: шахмат билан шуғулланувчи спортчилар рационда сут ва сут маҳсулотлари жуда оз миқдорда; болаларнинг сабзавот ва меваларни кам истеъмол қилишлари овқатланишда минерал ва витаминлар билан меъерий даражада таъминланишлари учун етарли эмас. Кейинги босқичда тадқиқ қилинаётган болалар ва ўсмирларнинг овқатланиш рационининг биологик аҳамияти ўрганилди. Кундалик рационда маҳсулотлар етарли миқдорда истеъмол қилинмаслиги, оксил, ёғ, минерал элементлар ва витаминлар етишмаслигига олиб келади (3,4-расмлар).



**3-расм. Шахмат ва шашка билан шуғулланувчи болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол даражаси, % қиш-баҳор мавсуми**




**4-расм. Шахмат ва шашка билан шуғулланувчи болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол даражаси, % ёзги-куз мавсуми**

7–10 ёшли болаларнинг овқатланиш рационида оқсил етишмаслиги қиш-баҳор мавсумида 16,3%, ёз-куз мавсумида эса 9,6%; 11–14 ва 15–16 ёшдаги болаларда эса, 9,9 ва 24,5% ни ташкил қилди. Кўп ҳолларда, танқислик ҳайвон маҳсулотларидаги оқсилларга тегишли бўлиб, бу асосан гўшт маҳсулотлари, балиқ ва сут маҳсулотларнинг жуда кам истеъмоли билан боғлиқ. Барча болаларнинг овқатланиш рационида ёғ кўрсаткичлари паст бўлиб, 7–10 ёшли болаларнинг қиш-баҳор мавсумида овқатланишидаги етишмовчилик 3,1%, ёз-куз мавсумида 41,6% ни ташкил қилди; 11–13 ва 14–16 ёшлиларда меърдан 9,9 ва 20% кам. Назорат остига олинган болалар ва



Ўсмирлар кўп миқдорда нон-булочка маҳсулотлари ва шакар истеъмол қилиши, углеводларнинг умумий истеъмол миқдори ёш меъёрларидан паст эканлиги исботланган. 7–10 ёшли болаларда қиш-баҳор мавсумида углеводлар истеъмоли 11,1% меъёрдан кам, ёз-куз мавсумида 41,6%; 11–14 ёшда 32,4 ва 47,2%, 15–16 ёшда 1,2 ва 7,6%. (5-расмга қаранг). Болалар овқатланиши рационидида сабзавот ва мевалар миқдори етарли даражада эмаслиги туфайли минерал моддалар ва витаминлар даражаси пастлиги маълум бўлди. Шахматчилар етарли миқдорда муҳим таркибий қисмларни қабул қилмаяптилар (озиқавий толалар, керакли микроэлементлар ва фосфолипидлар). Ўрганилаётган болалар ва ўсмирлар рационидида қишқи-баҳорги даврда минераллар танқислиги қуйидагича: 7–10 ёшли болаларда кальций меъёрдан 28,9% , фосфор – 28,3%, магний – 5,7%, темир – 21,3% кам. Ёз-куз мавсумида кальций меъёрдан 35,5%, фосфор 35,7%, магний – 1,0%, темир – 16,7% кам. 11–13 ёшли болалар овқатланишида қиш-баҳор мавсумида танқислик – кальций – 28,9%, фосфор – 28,9%, магний – 5,7%, темир – 8% ни; 14–16 ёшли болалар овқатланишида ушбу даврда танқислик – кальций – 32,8%, фосфор – 25,0%, магний – 2,0%, темир – 6,7% ни ташкил қилган.



**5-расм. Шахмат ва шашка билан шуғулланувчи болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол даражаси (меъерий солиштирилганда, %)**

Ўрганилаётган болалар ва ўсмирлар овқатланишида витаминлар етишмовчилиги қиш-баҳор мавсумида С витамини 17,3%, А витамини 69,6%, В<sub>1</sub> – 9,2%, В<sub>2</sub>–5%, РР –12% гача; ёз-баҳор мавсумида: С витамини –17,3%, А витамини –69,6%, В<sub>1</sub> –9,2%, В<sub>2</sub> –5%, РР–12% гачани ташкил қилган. Шахмат ўйинлари аҳамиятли даражада қувват сарфини талаб қилмайди, шу сабабли шахматчи болаларнинг овқатланиш рационидидаги энергетик қиймати ёш

меъёрларидан фарқланмайди. 7–10 ёшдаги ўрганилаётган болаларнинг овқатланиш рационининг энергетик қиймати қиш-баҳор мавсумида 18,5% меъёрдан кам, ёз-баҳор мавсумида 23,3% меъёрдан кам; 11–13 ёшли болаларда бу кўрсаткич тегишли равишда 17,6% ва 25,9%; 14–16 ёшда 32,4 ва 47,2 % ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда спортнинг шахмат тури билан шуғулланадиган боллар ва ўсмирларнинг ҳақиқий овқатланиши нораціонал, барча кўрсаткичлар бўйича танқислик мавжуд; овқатланиш ёмон ташкил этилган, овқатланиш тартиби бузилган. Шахмат спорти билан шуғулланадиган болаларнинг уйғун ривожланишини таъминлаш, уларнинг ақлий ва жисмоний меҳнатга лаёқатлилигини ошириш учун маълум бўлган танқисликни, тавсия этиладиган маҳсулотларнинг озикавий ва биологик қимматини эътиборга олган ҳолда биз томондан бир қатор таклифлар билдирилди.

